Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 10 январь шанба

Сотувда эркин нархда. № 7 (1788)

АЙЛАНАДИ СОАТ МИЛЛАРИ

ЖУМА ХАБАРЛАРИ

ХАЛҚАРО КОНГРЕСС

## ПЕТЕРБУРГДА ҲАМ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

*Ўзбекистонлик бир гуруҳ олимлар Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган «Инсон ва унинг саломатлиги» халқаро конгрессида иштирок этдилар.*

*Ушбу тадбир қатор жамоат ташкилотлари, Россия-Германия травматолог ва ортопедлари жамияти ҳамда бир неча уюшмалар ҳамкорлигида ўтказилди. Унда ногиронлар реабилитацияси билан шуғулланувчи МДҲ давлатлари, Англия, Белгия, Германиядан ҳам олимлар қатнашдилар. Чунончи, Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазирлиги қошидаги Миллий реабилитация марказининг етакчи олимлари ўз илмий маърузалари билан иштирок этишди. Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Миллий реабилитация марказининг ташкил этилганлиги ва бу хайрли қадам республиканинг вилоятларида ҳам бошланганлиги янгилик сифатида эътироф этилди.*

ЭШИТДИНГИЗМИ?

## УЧҚУДУҚДАН «БОИНГ»ЛАР УЧАДИ

*— Учқудуқда Ҳамдўстлик давлатлари ўртасида тенги йўқ халқаро юк ташувчи ва йўловчи самолётларга мўжалланган аэропорт қурилаётганидан газетхонларимизнинг хабарлари бўлса керак, — деб ёзади жамоатчи мухбиримиз Парда Жумаев. — Яқинда ана шу улкан иншоотнинг бетон йўлаклари учун плиталар тайёрлаб берувчи «Эльба» қўшма корхонаси ишга туширилди.*

*Бу нуфузли ишда Германиянинг «Ферристол» фирмасининг ҳам самарали улуши бор. Хуллас, Қизилқум бағрида ҳадемай баҳайбат «Боинг»лар қўнибучишига оз қолди.*

ТЕЛЕФАКСГА ТЕЛЕГРАММА

## ЁПИҚ БОЗОРЛАР, САРСОН ОДАМЛАР

*Рамазон ойининг биринчи якшанбасида Жиззахда бир йўла тўртта бозор ёпиб қўйилди. Бу шаҳар аҳолисини жуда ажаблантирди.*

*Шундан сўнг вилоят бозорлар уюшмаси раисининг ўринбосари Одил Маъмировдан бу воқеани шарҳлаб беришни сўрадик.*

*— Санэпидстанция ёпиб кетган, — деди у киши бепарвогина.*

*Ўша идорагаям қўнғироқ қилдик. Санитария бўлими мудири Арслон Суяров бозорлар ҳоким қарори билан ёпилганлигини айтди.*

*Вилоят ҳокимининг шу йил 4 январдаги қарори мазмуни билан ҳам танишдик. Унинг биронта бандида бозорларни ёпиш ҳақида гап йўқ. Аксинча, озодалик, тартибга келтириш ва «Осиё» улгуржи-чакана савдо бозори фаолиятини жонлантиришга мадад бериш мақсад қилиб қўйилган.*

*Бу кутилмаган «янгилик»дан, аввало, эл-улус, қолаверса, бозорлар уюшмаси зарар кўряпти. Якшанба кунлари юз ўттиз минг сўмлик, бошқа кунлари эса ўртача қирқ беш минг сўмлик нақд пул тушумидан маҳрум бўлишяпти.*

**Карим МУСАМУРОДОВ.**

ҚЎНҒИРОҚ

## СУЮНЧИ БОР ЭКАН...

*— Алло, «Халқ сўзи»ми?*

*— Худди шундай, эшитамиз.*

*— Оққўрғон тумани ҳокими Абдуғани Деҳқонбоевман. Газетанинг ўтган йил 24 декабрь сонида Ҳамид Олимжон номли хўжаликдан Файзулла Абдуллаев 9 ойдан бери туғилган фарзандига бериладиган суюнчи пулини ва нафақаларни ололмаётгани ёзилган эди.*

*— Хўжаликда суюнчи бор эканми, ишқилиб?*

*— Албатта-да. Ҳақиқатан ҳам хўжалик раҳбарларининг айби билан бу оилага, шу жумладан, яна бошқаларга ўз вақтида нафақалар берилмаганлиги аниқланди. Ва ниҳоят Файзулланинг оиласига суюнчи пули берилди. Қолган қарзлар ҳам узилди. Хўжалик раҳбари эса тегишли жазосини олди.*

## ДАРВОҚЕ:

*Кўпинча таҳририятимизнинг хатлар бўлими ходимлари куюниб юришади. Э, икки-уч ой бўлди ҳалиги шикоят, аризномаю сўровномани жўнатганимизга. Жавоб йўқ. Жим-житлик.*

*Аммо... юқоридагидек, газетада ёзилган икки калима дардли масалага жиддий муносабатда бўлгувчилар, афсуски, ҳалиям озчилик-да. Энди эса бошқача йўл тутмоқчимиз. Яъни «Соат миллари» орқали ўша, сукут сақлаётган раҳбарларни ҳам огоҳлантириб бориш ниятидамиз. Зора, улар газета чиқишларига бефарқ бўлмасинлар.*

Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55, 133-07-48, 136-37-85

Соат милларини Норқобил ЖАЛИЛ кузатди.



*Фотомухбиримиз Тўлқин Каримов яқинда Тошкентдаги «Юлдуз» ҳиссадорлик жамиятида бўлиб, бир олам таассурот билан қайтди. Жамиятдаги янгиликлар, илғор технология, сифатли маҳсулот, кучли ижтимоий ҳимоя, кенг кўламдаги рағбат — ҳамма-ҳаммасининг бош омили бу ердаги ҳақиқий меҳнат ва интизом экан, дейди у.*

*Дарҳақиқат, корхона ишчилари Насиба Раҳмонбердиева ва Гуландом Мавлонова(суратда) ҳам меҳнат туфайли шу ерда обрў-эътибор топди, номлари илғорлар сафидан ўрин олди. Бу иккала устоз-шогирднинг ишларидан кўпчилик ибрат олмоқда.*

● *ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ОЛДИДАН*

## "ВАТАНПАРВАР" БАЙРАМНИ КУТИБ ОЛМОҚДА

**Мустақил Ўзбекистон халқи 14 январда Куролли Кучларимиз ташкил этилганининг 6 йиллигини — Ватан ҳимоячилари кунини нишонлайди.**

Ҳаммамиз учун муқаддас бу байрамни Республика мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамияти (МКТ) ҳам муносиб кутиб олмоқда.

— Ватан ҳимоячилари куни — бизнинг ҳам байрамимиз, — дейди ташкилот Марказий кенгаши раиси, генерал-майор Ж. Шоҳмардонов. — Мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга кўмаклашиш бизнинг асосий вазифамиздир. Бу вазифани бажариш учун ўқув, спорт ташкилотларининг жамоалари фуқароларни, айниқса, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг мустақил Ватанимиз олдидаги бурчини тушунтириш, мамлакат Қуролли Кучлари ва халқ хўжалиги учун техник мутахассислар тайёрлаш борасида катта иш қилмоқдалар, спортнинг техник ва ҳарбий-амалий турларини ривожлантириш билан астойдил шуғулланмоқдалар.

Ҳозир бизда замонавий техника билан жиҳозланган бир қанча ўқув ташкилотлари мавжуд. Уларда ҳар йили минглаб кишилар техник тайёргарликдан ўтади ва касб ўрганади. Айни пайтда ўқув жараёни савияси йил сайин ошмоқда. Бу ишда ўқув-моддий базасини такомиллаштириш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ўқув-методик анжуманлар ўтказиш катта ёрдам бермоқда.

Мудофаага кўмаклашувчи ташкилот спортчилари ҳам байрамни катта ютуқлар билан кутиб олишмоқда. Улар спортнинг хилма-хил турлари бўйича халқаро ва республика мусобақаларида яхши натижаларга эришдилар.

Республика мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув муассасаларининг жамоалари ҳозирги пайтда Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобида баён қилинган қоида ва ҳулосалар асосида мамлақат халқ хўжалиги ва армияси учун зарур мутахассислар тайёрлаш жараёнини ва ўқув-моддий базасини такомиллаштирмоқдалар.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## «ЎЗМЕТКОМБИНАТ»: ХОМАШЁ ЕТАРЛИ

**9 январь куни Бекободда, "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида қора ва рангли металлар парчалари ҳамда чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш учун топшириш масалаларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш билан шуғулланувчи Республика комиссиясининг мажлиси бўлди.**

Унда Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, вазирликлар, идоралар, иккиламчи металл хомашё тайёрлаш билан шуғулланувчи бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди. Мажлисни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, комиссия раиси И.Жўрабеков бошқарди.

Ўтган йилда металл парчаларини топшириш ишларининг якунлари кўриб чиқилди. Ташкилотлар ва ҳудудий бошқарув органларининг кўпчилиги топширилган вазифани бажаришга юксак масъулият билан қараганликлари, натижада қора ва рангли металлар парчаларини топширишнинг режалаштирилган ҳажми ошириб бажарилгани қайд этилди. Бу эса "Ўзметкомбинат"-нинг бир неча ой давомида барқарор ишлашини таъминлайди, қурилиш мажмуи, кон-металлургия, цемент саноатига тайёр металл буюмларни бир маромда етказиб беришга имконият яратади. Мажлисда "Ўзметкомбинат" хомашё базасини ва республика иқтисодиётини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган барча корхоналар, ташкилотлар ва маҳкамаларга миннатдорлик билдирилди.

Комиссия 1998 йилда металл буюмлар хилларини, пўлат олиш учун материалларни кўпайтиришга доир ишларни тезлаштиришни, металл парчалари етказиб бериш учун шартнома тузишни яқин кунларда ниҳоясига етказишни, металл парчалари ва чиқитларини топшириш жадвалини ишлаб чиқиш ва унинг бажарилишини ҳар ойда текшириб туришни тавсия қилди. Шунингдек, топширилаётган хомашёнинг сифатига қараб табақалаштирилган нарх белгилаш, металл парчалари тайёрловчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни таъминлаш, вужудга келадиган бошқа масалаларни ҳал этиш таклиф қилинди.

Мажлисда Тошкент вилояти ҳокими Э.Рўзиев иштирок этди.

**(ЎзА)**

## МУҚАДДАС САФАР ҲОЗИРЛИГИ

**Мустақиллик шарофати туфайли мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларни эъзозлашга, маънавиятни юксалтиришга, ҳамюртларимизнинг эътиқод эркинлигини таъминлашга катта эътибор берилаётир.**

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қарорига асосан ватандошларимизнинг сафарга эмин-эркин бориб келишлари учун қулай шароит яратиб берилаётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

9 январь куни Вазирлар Маҳкамасида бу йилги ҳаж мавсумига тайёргарлик кўришга бағишланган йиғилиш бўлди. Уни Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев бошқарди.

Йиғилишда ҳаж сафарига борувчиларни аниқлаш, зиёратчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, уларнинг маблағларини конвертациялаш, зиёратчиларни транспорт билан таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий А.Баҳромов, Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Р.Султонов ва бошқа мутасаддиларнинг вазирликлар, ҳокимликлар, идоралар, банклар, жамоат ташкилотлари ва жамғармалар бу борада амалга ошираётган ишлар тўғрисидаги ахборотлари тингланди.

Ҳаж мавсумини намунали ташкил этиш, аризаларни қабул қилиш, зиёратчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, уларни кузатиш ва кутиб олиш муддатлари ҳамда тартиби белгиланди. Бу тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан тегишли раҳбарларга тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Р.Баҳодиров сўзга чиқди.

**(ЎзА)**

● *БУГУН ВА ИСТИҚБОЛ*

## САНАЦИЯЛАШ – БУ ҒАМХЎРЛИКДИР!

Мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлабоқ қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг X сессиясидаги нутқида бунинг сабабларини, қандай омилларга боғлиқлигини лўнда қилиб атрофлича ва теран тушунтириб берди:

**«Аввало, бугунги кунда қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётимиздаги, ҳаётимиздаги ўрни шуни тақозо этмоқда.** Ҳозир аграр тармоқ ялпи ички маҳсулотнинг тўртдан бир қисмини ишлаб чиқармоқда. Мамлакатимиз ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳиятининг ярмидан ортиғи муайян тарзда бевосита қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мамлакатга валюта тушумларининг 55 фоиздан ортиғини таъминлайдиган муҳим экспорт манбаларидан бири ҳисобланади. **Бу — масаланинг иқтисодий жиҳати.**

**Ижтимоий соҳада эса** — мамлакатнинг қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган аҳолиси катта қисмининг, балки бутун республика аҳлининг турмуш даражаси, унинг моддий фаровонлиги қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволига, уни ривожлантиришнинг тезкорлиги ва самарадорлигига боғлиқ.

**Энг муҳими, бу — муаммонинг сиёсий жиҳатидир.** Бугун биз шуни тобора чуқур англаб етяпмизки, жамиятимизнинг умуман янгиланиши, демократик жараёнларнинг ривожланиши кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар нечоғли самарали кечаётгани, қишлоқ ҳаётининг барча жабҳаларига нечоғли чуқур кириб бораётгани билан боғлиқ».

Кейинги йилларда бу соҳада кенг кўламли ишлар амалга оширилганлигининг боиси шунда. Бу ишлар нималардан иборат? Чунончи, қишлоқда янги ҳуқуқий муносабатларни жорий этиш, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, тадбиркорлик, фермер ва шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш мақсадида «Ер тўғрисида», «Кооперация тўғрисида», «Ижара тўғрисида», «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида» ва бошқа бир қатор қонун ҳамда ҳужжатлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Қишлоқда хўжалик юритиш механизмининг мутлақо янги асослари, қишлоқ хўжалигини молиявий таъминлашнинг янги тизими ишлаб чиқилиб ҳаётга татбиқ этилди. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий мустақиллиги кенгайди. Уларга агросервис хизмати кўрсатадиган машина-трактор парклари (МТП) тармоғи вужудга келтирилиб, фермер хўжаликлари ва кичик корхоналарни кредит билан таъминловчи ихтисослаштирилган тижорат банклари очилди. Қишлоқ корхоналарини табиий офатлардан ва уларнинг ўз шериклари билан муносабатларини суғурта қилувчи «Ўзагросуғурта» компанияси тузилди. Қолаверса, ҳар йили республикада 15-25 минг гектар суғорма янги ер ўзлаштирилиб, авваллдан фойдаланиб келинган 40-50 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Ана шу кўрилган чора-тадбирлар бугун ўз самарасини кўрсатмоқда. Мустақиллик йиллари мобайнида устувор тармоқ — қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланганини шундан далолат беради. 1997 йил натижалари ҳам салмоқли бўлди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми бурноғи йил даражасидан 7 фоиз ошди. Қарийб 3,7 миллион тонна пахта хомашёси, 2,9 миллион тонна ғалла, шу жумладан, 2,7 миллион тонна буғдой тайёрланди.

Эътибор беринг-а, 2,9 миллион тонна ғалла! Бу 1994 йиллаги кўрсаткичдан 1,7 марта кўпдир. Шунинг ўзиёқ озиқ-овқат учун республикага дон импорт қилиш ҳажмини 6 баробар қисқартириш имконини берди.

Эришилган ютуқлар бундан-да салмоқли ва жозибали бўлиши мумкин эди, албатта. Аммо кўплаб вилоятлар, туманлар ва хўжаликларда ғалла ҳамда пахта учун белгиланган давлат буюртмалари барбод қилинди. Бунинг учун биринчи навбатда уларнинг раҳбарлари айбдордирлар. Агар ўша мутасаддилар зиммаларидаги масъулият туйғусини чуқур ҳис этган ҳолда эски замондан қолган иллат—боқимандалик кайфиятидан қутулиб, қишлоқ меҳнаткашларининг ўз меҳнати натижаларидан, унинг самарадорлигини оширишдан манфаатдорлиги ва рағбатлантирилишини таъминлаганларида, шубҳасиз, манзара бугунгидек ачинарли бўлмас эди. Фикримизнинг исботи сифатида икки вилоятнинг иккита хўжалигидаги аҳволни таҳлил қилиб кўрайлик.

Қашқадарё вилояти, Косон туманидаги «Майдаёбу» жамоа-ширкат хўжалигида (бошқарув раиси Ғулом Хушшиев, бош ҳисобчи Умрзоқ Ҳасанов, бош иқтисодчи Сулаймон Абдураҳимов) сурункасига уч йилдан буён пахта ва ғалла режалари бажарилмаяпти. Масалан, 1996 йилнинг баҳорида 1150 гектар ерга чигит қадалган эди. Ғалвир сувдан кўтарилган паллада жами 892 тонна пахта йиғиштириб олиниб, давлат буюртмаси аранг 49 фоиз удаланди. Ўртача ҳосилдорлик эса атиги 7,7 центнерни ташкил этди.

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикасининг Қонуни*

# ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**1-модда. Оммавий ахборот воситалари**

Газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, телевидение (кабелли, эфир-кабелли телевидение) ва радиоэшиттиришлар, ҳужжатли кино, электрон ахборот тизими, шунингдек, доимий номга эга бўлган, давлат тасарруфидаги, мустақил ва бошқа оммавий даврий нашрлар оммавий ахборот воситаларидир.

Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иловалар нашр этиши мумкин.

**2-модда. Оммавий ахборот воситалари эркинлиги**

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари эркин бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатади.

Оммавий ахборот воситалари ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқидан фойдаланадилар ҳамда ўзлари эълон қилаётган ахборотнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**3-модда. Сўз эркинлиги**

Ҳар ким оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён этиш ҳуқуқига эгадир.

**4-модда. Цензурага йўл қўйилмаслиги**

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўйилмайди. Эълон қилинаётган хабарлар ёки материаллар олдиндан келишиб олинишини, шунингдек, уларнинг матни ўзгартирилишини ёки бутунлай нашрдан олиб қолинишини (эфирга берилмаслигини) талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**5-модда. Оммавий ахборот воситаларининг тили**

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятини «Давлат тили ҳақида»ги Қонунга мувофиқ амалга оширади.

**6-модда. Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда суиистеъмолларга йўл қўйилмаслиги**

Оммавий ахборот воситаларидан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этиш, давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган ўзга сирни ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўйилмайди.

Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларнинг шахсий ҳаётига аралашиш тақиқланади.

Прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсатисиз дастлабки тергов материалларини эълон қилиш, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг ҳал қилув қарори ёхуд ҳукми қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёки судга ўзгача йўл билан таъсир кўрсатиш, номини кўрсатмаслик шарти билан маълумот берган шахснинг номини ошкор қилиш (суд ошкор этишни талаб қиладиган ҳоллар бундан мустасно) тақиқланади.

**7-модда. Оммавий ахборот воситасининг таҳририяти**

Оммавий ахборот воситасининг таҳририяти муассис томонидан тузилади ҳамда ушбу Қонун, бошқа қонун ҳужжатлари, ўз устави (низоми) асосида иш олиб боради.

**8-модда. Таҳририят ходими**

Таҳририят ходими деганда таҳририят штатида турувчи ва материаллар тўплаш, уларни таҳлил ҳамда таҳрир қилиш, тайёрлаш билан шуғулланувчи шахс тушунилади.

**9-модда. Журналистик текширув**

Таҳририят ходими мурожаатлардан ёки бошқа манбалардан ўзига маълум бўлган ёхуд ўзи гувоҳ бўлган муайян воқеа, ҳолат юзасидан журналистик текширув ўтказишга, фактларни, гувоҳлик кўрсатмаларини тўплашда аудио ва видео техникадан фойдаланишга ҳақли. Журналистик текширув тергов ва суд жараёнига таъсир ўтказмаслиги керак.

Таҳририят ходими муайян воқеа ёки ҳолатга нисбатан шахсий фикрини оммавий ахборот воситаларида эълон қилишга, агар воқеа ёки ҳолат юзасидан тергов тугамаган бўлса, суднинг ҳал қилув қарори ёки ҳукми қонуний кучга киргандан сўнг журналистик тахминларини шахсий мулоҳаза тарзида эълон қилишга ҳақлидир.

**10-модда. Ахборот манбаини ошкор этмаслик**

Оммавий ахборот воситаси хабар, маълумот, факт ёки далиллар тақдим этган манбанинг ёки тахаллусини қўйган муаллифнинг номини уларнинг ёзма розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас.

Оммавий ахборот воситаси ахборот манбаининг ёки тахаллусини қўйган муаллифнинг илтимосига биноан, судда унинг номидан иштирок этиши мумкин.

**11-модда. Оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Оммавий ахборот воситаси бир неча муассис томонидан ҳам таъсис этилиши мумкин.

**12-модда. Оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олиш**

Таҳририят рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома олинганидан кейин фаолият бошлаши мумкин.

Оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ваколат берган давлат органига белгиланган тартибда муассис томонидан топширилади.

Рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза топширилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида кўриб чиқилиши шарт.

Оммавий ахборот воситасини чиқаришга киришиш ҳуқуқи гувоҳнома олинган кундан бошлаб уч ой давомида сақланиб туради. Белгиланган муддат ичида оммавий ахборот воситасининг бирорта ҳам сони (дастури) эълон қилинмаган тақдирда рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

**13-модда. Оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза**

Рўйхатга олиш тўғрисидаги аризада оммавий ахборот воситасининг:

1) муассиси (муассислари);

2) номи, қайси тилда (тилларда) эълон қилиниши, манзили;

3) мақсад ва вазифалари;

4) қандай доирадаги ўқувчига (томошабинга, тингловчига) мўлжалланганлиги;

5) даврийлиги, ҳажми, моддий-техника таъминоти ҳамда пул билан таъминланиш манбалари кўрсатилиши керак.

Кўрсатилган маълумотларда ўзгариш бўлса, оммавий ахборот воситаси белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Ўзгартишлар жиддий бўлмаган ҳолларда рўйхатга олувчи орган оммавий ахборот воситасини қайта рўйхатдан ўтказиш шарт эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Рўйхатга олиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш учун ҳақ қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартиб ва миқдорларда ундирилади.

**14-модда. Ахборотни рўйхатдан ўтказмаган ҳолда тарқатиш**

Ўзларининг норматив ҳужжатлари ёки ўзга ҳужжатларни расмий нашрларда, ахборотномалар, бюллетенларда чиқарувчи давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек, ўз фаолиятлари учун зарур бўлган ахборот материалларини ҳамда ҳужжатларни чиқарувчи корхоналар, муассасалар, ташкилотлар (шу жумладан, ўқув ва илмий муассасалар) ахборотни рўйхатдан ўтказмаган ҳолда тарқатиш ҳуқуқига эгадирлар.

Оммавий тарқатишга мўлжалланмаган ёки кўлёзма тарзида кўпайтириладиган босма, видео ва аудиовизуал маҳсулотни техникавий воситалар ёрдамида тайёрлаш ишларини, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди.

**15-модда. Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олишни рад этиш**

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

1) оммавий ахборот воситасининг мақсад ва вазифалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳамда ушбу Қонунга зид бўлса;

2) бундан аввал худди шу номдаги оммавий ахборот воситаси рўйхатга олинган бўлса;

3) ариза суднинг оммавий ахборот воситаси фаолиятини тугатиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганига бир йил тўлмай берилган бўлса;

4) оммавий ахборот воситаси муассисининг ёки муассисларидан бирининг ёхуд ноширнинг манзили Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлса.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш рад этилган тақдирда бунга асос бўлган сабаб кўрсатилган ҳолда аризачига ёзма маълумот юборилади.

**16-модда. Оммавий ахборот воситасини чиқаришни ёки нашр этишни тугатиш**

Оммавий ахборот воситасини чиқариш ёки нашр этиш муассиснинг ёки оммавий ахборот воситасини рўйхатга олган органнинг ёхуд суднинг қарори билан тугатилиши мумкин.

Муассис оммавий ахборот воситасини чиқаришни ёки нашр этишни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилган тақдирда муҳаррир (бош муҳаррир) ёки таҳририят ходими ушбу Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ худди шу номда оммавий ахборот воситаси таъсис этиш масаласини қўйиши мумкин. Бундай ҳолларда оммавий ахборот воситасини қайта рўйхатдан ўтказиш талаб этилади.

**17-модда. Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олишни рад этганлик ёки унинг фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш тартиби**

Давлат органи томонидан оммавий ахборот воситасини рўйхатга олишнинг рад этилиши, шунингдек, оммавий ахборот воситаси фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарор устидан оммавий ахборот воситасининг муассиси ёки таҳририяти судга шикоят қилиши мумкин.

**18-модда. Оммавий ахборот воситасининг устави (низоми)**

Оммавий ахборот воситаси ўз фаолиятини муассис тасдиқлайдиган устав (низом) асосида юритади.

Оммавий ахборот воситасининг устави (низоми) таҳририят ходимлари умумий миқдорининг камида учдан икки қисми иштирокидаги умумий йиғилишида кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва муассис томонидан тасдиқланади.

Уставда (низомда) муассис, муҳаррир (бош муҳаррир) ва таҳририят ходимларининг ваколатлари белгиланади ва оммавий ахборот воситасининг муассиси, номи, қайси тилда (тилларда) эълон қилиниши, манзили, фаолият тури ва мақсадлари, таҳририят мол-мулки манбаи ҳамда фойдани (даромадни) тақсимлаш тартиби, нашрни қайта ташкил этиш ва тугатиш шартлари кўрсатилади.

Устав (низом) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид келмаслиги керак.

**19-модда. Оммавий ахборот воситасининг муҳаррири (бош муҳаррири) ва таҳрир ҳайъати**

Муҳаррир (бош муҳаррир) оммавий ахборот воситаси таҳририяти, таҳрир ҳайъати ишига раҳбарлик қилади, муассис билан муносабатларда оммавий ахборот воситаси номидан иш олиб боради.

Муҳаррирни (бош муҳаррирни) лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тартиби уставда (низомда) белгилаб қўйилади.

Таҳрир ҳайъати оммавий ахборот воситаси уставида (низомида) назарда тутилган тартибда тузилади. Оммавий ахборот воситасининг муассиси, таҳририяти ва ношири ўртасидаги ишлаб чиқариш, мулкий, молиявий ва бошқа муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

**20-модда. Оммавий ахборот воситаларида ҳомийлар иштироки**

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари оммавий ахборот воситаларига ҳомийлик қилиши мумкин. Оммавий ахборот воситалари билан ҳомийлар ўртасидаги муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ҳомийларнинг оммавий ахборот воситалари ва улар ходимларининг касб фаолиятига аралашуви тақиқланади.

**21-модда. Нашрга оид маълумотлар**

Даврий нашрнинг ҳар бир сонида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

1) нашрнинг номи;

2) таҳририятнинг манзили;

3) муассис (муассислар)нинг номи;

4) муҳаррирнинг (бош муҳаррирнинг) фамилияси, исми-шарифи;

5) даврий нашрнинг рўйхатга олинган тартиб рақами ҳамда босилиб чиққан санаси, газеталарнинг эса, шунингдек, чоп этишга рухсат берилиб, имзо қўйилган вақти;

6) алоқа корхоналари орқали тарқатиладиган даврий нашрлар учун индекс рақами;

7) тиражи;

8) босмахонанинг номи ва манзили.

Телевидение, радиоэшиттириш таҳририяти ҳар сафар эфирга чиққанда, узлуксиз эшиттириш чоғида эса, бир кеча-кундузда камида тўрт марта телевидение, радиоэшиттириш таҳририяти номини эълон қилиши шарт.

**22-модда. Назорат нусхалари ва тақдим этилиши шарт бўлган нусхалар**

Даврий босма нашрларнинг назорат нусхалари таҳририятга, муассисга ва рўйхатга олувчи органга бепул юборилади.

Даврий босма нашрларнинг тақдим этилиши шарт бўлган нусхалари юбориладиган ташкилотлар ва муассасаларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

**23-модда. Телекўрсатув ва радиоэшиттириш материалларининг сақланиши**

Телевидение, радиоэшиттириш таҳририятлари телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар материалларини (плёнкаларни) улар эфирга берилганидан сўнг бир ой давомида сақлаб туришлари, олдиндан ёзиб олмай, тўғридан-тўғри эфирга бериладиган кўрсатувлар ва эшиттиришларни рўйхатга олиш дафтарини юритишлари, уларнинг мавзуи, намойиш этилган (эфирга берилган) куни, бошланган ва тугаган вақти, уларни олиб борган кишининг фамилияси ва исмини қайд этиб боришлари шарт.

Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни рўйхатга олиш дафтари унга сўнгги ёзув киритилган кундан бошлаб бир йил давомида сақланади. Тарихий, илмий, маданий ва бошқа йўсиндаги аҳамиятга молик материаллар қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда сақланиши керак.

**24-модда. Оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини тарқатиш тартиби**

Оммавий ахборот воситаларининг маҳсулотларини бевосита ноширнинг ва таҳририятнинг ўзи ёки шартнома асосида алоқа корхоналари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар тарқатиши мумкин.

Оммавий ахборот воситасининг ҳар бир алоҳида сонини тарқатишга муҳаррир (бош муҳаррир) уни чоп этишга (эфирга беришга) рухсат этганидан кейингина йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини тарқатиш Ўзбекистон Республикаси тегишли қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалар қоидалари асосида амалга оширилади.

**25-модда. Расмий хабарлар, ахборот ва эълонларни эълон қилиш**

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан таъсис этилган оммавий ахборот воситалари мазкур органларнинг расмий хабарларини эълон қилишлари шарт.

Фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги шошилинч хабарлар ёки давлатнинг ваколатли органлари томонидан омма эътиборига зудлик билан етказиш мақсадида берилган хабарлар барча оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Суднинг айнан шу оммавий ахборот воситасида эълон қилиш тўғрисидаги кўрсатмаси бўлган, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини таҳририят кўрсатилган муддатда бепул эълон қилиши шарт.

Бошқа ҳар қандай хабар, ахборот ва эълонлар таҳририят билан ўзаро шартнома тузиш асосида эълон қилинади.

**26-модда. Муаллиф материаллари ва хатларидан фойдаланиш**

Оммавий ахборот воситаларида тегишли қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда журналистика, адабиёт, санъат асарларидан ва илмий асарлардан фойдаланилишига йўл қўйилади.

Таҳририятга келган хатларни эълон қилишга тайёрлаш чоғида мазмунини бузмаган ҳолда уларнинг матнини қисқартириш ва таҳрир этишга йўл қўйилади.

Таҳририят қонуний асосларда рад этган материални оммавий ахборот воситасида мажбуран эълон қилдиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**27-модда. Раддия бериш ва жавоб қайтариш ҳуқуқи**

Юридик ёки жисмоний шахс оммавий ахборот воситасида эълон қилинган, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ўзининг шаъни ҳамда қадр-қимматига доғ туширадиган маълумотлар бўйича раддия беришни таҳририятдан талаб қилишга ҳақлидир.

Эълон қилинган материал туфайли ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган юридик ва жисмоний шахслар ўз раддиясини мазкур оммавий ахборот воситаси орқали эълон қилишга ҳақлидир. Раддия ёки жавоб махсус рукнда ёхуд ана шунга сабаб бўлган материал босилган айни ўша саҳифада эълон қилиниши шарт. Раддия ёки жавоб газеталарда улар келган кундан эътиборан бир ой муддат ичида, бошқа даврий нашрларда эса навбатдаги сонда эълон қилинади.

Олинган раддия ёки жавоб радиоэшиттириш ёки телевидение таҳририяти томонидан радиоэшиттириш ёхуд телекўрсатувнинг айни ўша дастури ёки туркумида, келган кунидан эътиборан бир ой муддат ичида эълон қилинади.

Асосли ва одоб доирасидаги жавоб матнини, агар уни эълон қилиш ҳажм ёки вақт нуқтаи назаридан оммавий ахборот воситасининг фаолиятига зарар етказмаса, таҳрир қилишга йўл қўйилмайди.

Оммавий ахборот воситаси раддия ёки жавобни эълон қилишдан бош тортса ёхуд уларни эълон қилиш учун белгилаб қўйилган муддатни бузса, юридик ёки жисмоний шахс даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

**28-модда. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузишда айбдор деб топилган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Муҳаррир (бош муҳаррир), шунингдек, журналист оммавий ахборот воситасида ҳақиқатга тўғри келмайдиган материалларни тарқатганлик учун, агар маълумотлар: расмий хабарлардан олинган бўлса; ахборот агентликлари ёки давлат органларининг матбуот хизмати орқали олинган бўлса ёхуд муаллифнинг олдиндан ёзиб олинмай, тўғридан-тўғри эфирга берилаётган нутқларида айтилган бўлса, жавобгар бўлмайдилар.

**29-модда. Чет эл оммавий ахборот воситалари ваколатхоналари ва вакилларининг Ўзбекистон Республикасидаги фаолияти**

Чет эл оммавий ахборот воситалари ваколатхоналари ва вакиллари Ўзбекистон Республикасида фаолиятни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтганларидан кейин амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган чет эл оммавий ахборот воситалари ваколатхоналари ва вакилларининг ҳуқуқий мақоми ва касб фаолиятини амалга ошириш шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**30-модда. Халқаро шартномалар**

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 26 декабрь.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ*

## «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, №8, 180-модда);

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда) VIII бўлими.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 26 декабрь.

---

# САНАЦИЯЛАШ — БУ ҒАМХЎРЛИКДИР!

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Мутахассисларнинг таъкидлашича, республикамиз шароитида ғўзага бирон-бир агротехник ишлов берилмаса ҳам, гектар ҳисобига камида 10 центнердан ҳосил олса бўлади. «Майдаёбу»даги бу аҳволни қандай баҳолаш мумкин? Шунга қарамасдан, хўжалик раҳбарлари бундан тўғри хулоса чиқариб олмадилар. Натижада 1997 йилда 1650 тонна ўрнига 729 тонна пахта саранжомланди. Ҳосилдорлик эса бурноғи йилга нисбатан 1,4 центнер камайди. Ачинарлиси шуки, жамоада пахта етиштиришга 25 миллион сўм сарфланиб, 10,6 миллион сўм зарар кўрилди.

Ғаллачилик соҳасида икки йил давомида бироз силжиш рўй бергани сезилади. 1996 йилда 2204 гектар майдондан режадаги 5600 тонна ўрнига 302 тонна, яъни 1,5 центнердан (?) дон етиштирилганди. Ўтган йили эса 1500 гектар ерга уруғ сепилиб, 3000 тонна ўрнига 1523 тонна ҳосил олинди. Ҳосилдорлик 10,1 центнерни ташкил қилди. Аммо режа 20 центнер этиб белгиланганлиги ҳисобга олинса, бу кўрсаткич ҳам ҳеч кимни қониқтирмайди.

Хўжаликда ишлаб чиқариш режалари бой берилдими, унинг молиявий аҳволи ёмонлашди деяверинг. «Майдаёбу»да ҳам айни шу ҳолат содир бўлди. 1996 йилда жами 14676 минг сўм зарар кўрилган бўлса, меҳнат аҳли 1997 йилни 16448 минг сўм зарар билан якунлади. Устига устак, бугунги кунда хўжаликнинг дебиторлик қарзи 11028 минг сўмга, кредиторлик қарзи 54778, ссуда қарзи эса 1662 минг сўмга етди.

«Майдаёбу» жамоа-ширкат хўжалигида пахта ҳосилдорлигининг йилдан-йилга камайиши, ғалладан мўлжалдаги ҳосилнинг олинмаслигига сабаб нима? Юқорида айтилганидек, боқимандалик. Агар раҳбарлар бу касалга мубтало бўлмаганларида, экинлар вақтида минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озуқлантирилиб, оби-тобида суғориларди. Агар сув тармоқлари рисоладагидек тартибга келтирилганида,мавжуд 3500 гектар экин майдонидан 1200 гектарининг мелиоратив ҳолати умуман бузилмас, 500 гектари кучли шўрланмас эди. Агар бир неча йиллардан бери ишлатилаётган 7 та Т-4А, 12 та МТЗ-80,6 та Т-28Х4М тракторлари, 2 та дон комбайни муддатида таъмирдан чиқарилганида, бариси деҳқонларнинг ҳақиқий мададкори бўларди. Агар ҳар йили ерга фақат алмисоқдан қолган 108-Ф навли чигит экилмасдан, бошқа бирорта серҳосил уруғ танланганда, заминнинг умри зое кетмас, пахтакорнинг меҳнати кўкка совурилмас эди. Афсуски, мутасаддилар бу юмушлар билан шуғулланиш ўрнига юқоридан ёрдам беришларини кутиб юравердилар. Охир-оқибатда хўжалик қулоғигача қарзга ботди.

Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманидаги «Хончорбоғ» жамоа хўжалиги ҳам асосан пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Бу ерда 903 нафар киши ишлайди, бошқарув ходимлари сони эса 29 кишидир. Уларнинг ихтиёрида жами 2860 гектар майдон бўлиб, шундан 1607 гектари суғориладиган ер ҳисобланади.

Хўжалик аҳли 1997 йилни 3519 минг сўм соф фойда олиш билан якунлашни режалаштирган эди. Амалда нимага эришилди? 970 гектар пахта майдонидан 2280 тонна ўрнига 1318 тонна хомашё тайёрланди. Бошқача айтганда, режага нисбатан 962 тонна пахта кам етиштирилиб, 19,9 миллион сўм қўшимча даромад бой берилди. Харажат эса қарийб 25 миллион сўмни ташкил этди. Пировардида пахтачиликдан 6500 минг сўм зарар кўрилди.

Ғаллачиликда аҳвол қандай? Ўтган йили хўжаликда 692 гектар ерга ғалла экилган эди. 2 май куни кучли ёмғир ва дўл ёғиши туфайли 277 гектар буғдойзор пайҳон бўлди. Натижада ана шу майдоннинг ҳар гектаридан режадаги 31,2 центнер ўрнига 7 центнердан ҳосил жамғарилди. 670,3 тонна ғалла кам олингани эса жамоага 5,4 миллион сўм зарар келтирди.

Кўриниб турибдики, ҳар икки соҳада ҳам давлат буюртмаси уддаланмаган. Сабаб?

Ғаллачиликдаги қолоқликка табиий шароитнинг ноқулайлиги сабаб бўлди, дейлик. Аммо пахтачиликдаги оқсоқликни нима билан изоҳласа бўлади?

Ғўза — инсон меҳрига муҳтож экин. Ғўзага сув тарадим — иш битди, энди тол соясидаги чорпояда ўтириб, аччиққина кўк чойни маза қилиб ичсам бўлаверади, деган киши янглишади. У сувни ўзи билан бирга эгат оралатиб юрсагина, ҳар бир туп ниҳолга қалб қўри, кўз нури, билак кучини бахшида этиб, бутун ёз мобайнида барча агротехника тадбирларини қойилмақом қилиб ўтказсагина муродига етади. «Хончорбоғ» жамоа хўжалигида бу тамойил унутилди. Чунки ғўзанинг айни ўсиш, ҳосилга-ҳосил қўшиш палласида раҳбарлар деҳқонлар билан тил топишиб, уларни ўзларининг ортидан эргаштира олмадилар (Ҳисоб-китобда раҳбарларнинг уқувсизлиги шу даражага етган эдики, бу пайтда хўжалик кассасида ҳемири ҳам қолмаган эди.Бекорга мушук ҳам офтобга чиқмайди-да). Оқибатда пайкалларда мўлжалдаги ҳосил тўпланмади, пахта кеч етилди, терим мавсуми чўзилиб кетди. Бундай натижа билан хўжалик иқтисодини ривожлантириш, тўкин ҳаётни таъминлаш амримаҳол, албатта.

Маълумотларга кўра, республикамизда ўтган йилни иқтисодий зарар билан якунлаган қишлоқ хўжалиги корхоналари сони аслида 500 тадан зиёд. Уларнинг тақдирини қандай ҳал этиш мумкин?

Президентнинг 1997 йил 29 октябрдаги фармойишига биноан, белгиланган вазифаларни мунтазам равишда бажармай келаётган, молиявий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолган, улкан дебиторлик қарзлари ва тўловлари зиммасида бўлган, яъни банкротлик ҳолатидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари тақдирини ҳал этиш бўйича таклиф ва ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни тайёрлаш мақсадида Ҳукумат комиссияси ташкил этилганидан хабардорсиз. Олий Мажлиснинг X сессиясида эса «Қишлоқ хўжалиги корхоналари санацияси тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Санациялаш нима? Бу — иқтисодий ночор шундай корхоналарни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасидир. Нима учун мажмуа? Шунинг учунки, санациялаш фақат қишлоқ хўжалиги корхоналарига келгусидаги фаолиятларини самарали юритишларига кўмаклашиш, уларнинг кредиторлар талабини қондиришдаги тўловчанлиги ва молиявий барқарорлигини тиклашни кўзда тутмайди. Балки у бошқа бир қатор вазифалар — бундай хўжаликларнинг фаолиятини қайта ташкил этиш, бошқаришни такомиллаштириш орқали иқтисодий самарадорликни оширишга қаратилган барча ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш учун зарур шароитлар яратиш, сарф-харажатларни камайтириш, ишлаб чиқариш тизимини ихтисослаштириш, аҳолининг бандлигига путур етказмаслик, қолаверса, қишлоқ хўжалиги корхоналарини иқтисодий жиҳатдан ночор ҳолатга олиб келган мансабдор шахсларнинг жавобгарлик даражасини кўриб чиқиш, санация қилишга ажратилган маблағлардан аниқ мақсад йўлида оқилона фойдаланишни назорат қилиш каби муҳим вазифаларни ҳам қамраб олади.

Шу маънода, бу ҳужжатларни Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига, қишлоқ меҳнаткашларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир, дейиш мумкин. Чунки бусиз улар бозор муносабатлари шароитида синиши, яъни банкротга учраши аниқ-равшан бўлиб қолган эди.

Санациялашнинг қанчалик аҳамиятга молик эканлигини биз тилга олган икки хўжалик тақдири мисолида ҳам яққол англаса бўлади.Косон тумани қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш комиссияси раиси М. Умаровнинг айтишича, «Майдаёбу» жамоа-ширкат хўжалигининг иқтисодий аҳволини яхшилаш масаласи мазкур комиссия аъзолари томонидан ўрганиб чиқилган. Шунга кўра, хўжалик аҳли 1998 йил режаларини бажариши учун қўшимча 50 миллион сўм талаб этилади. Бу маблағнинг 12 миллион сўми 50 километрлик ички зовурларни тозалаш ва таъмирлаш, 18 миллион сўми қўшимча канал қазиш, қолгани гармсел йўлини тўсиш мақсадида иҳотазор барпо этиш, минерал ўғитлар харид қилиш ва техника воситаларини янгилашга сарфланади. Шунда бир йилдаёқ ҳосилдорликни пахта бўйича 20 центнерга, дон бўйича 15 центнерга ошириш ҳисобига 2,8 миллион сўм фойда олинади. Ва бу билан тўлов муддати узайтирилган қарзлар, яъни кредиторлик ва ссуда қарзларини 1999 йил якунига қараб қайтариш имкони яратилади.

— Жорий йилда, — дейди «Хончорбоғ» жамоа хўжалиги бошқарувининг янги раиси Йўлдош Наҳанов,—биз хўжалик юритишнинг бригада усулидан оилавий пудратга ўтамиз. Шунинг ҳисобига якунда 45,9 миллион сўм даромад олиш мўлжалланмоқда. Бошқача айтганда, бу маблағ пахта ва ғалла ҳосилдорлигини ошириш (11,1 миллион сўм), хўжалик ихтиёрида қоладиган ортиқча пахта толасини сотиш ( 30,9 миллион сўм), харажатларни қисқартириш ва кераксиз асосий воситаларни сотиш (4,1 миллион сўм) эвазига қўлга киритилади.

Ҳозир ҳар иккала хўжалик ҳақидаги таклифлар туман ва вилоят қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш комиссияларида чуқур ўрганилмоқда. Бу таклифлар ижобат топишига ишонамиз. Зеро, санациялашдан мақсад тармоқни, шу жумладан, хўжаликлар иқтисодиётини юксалтириш, деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, халқимиз турмуш даражасини оширишдир.

**Икром ЎТБОСАРОВ.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

**Иқтисодий жиҳатдан ночор қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш — бу уларга оёққа туриб олишлари учун ҳукуматимиз томонидан берилган яна бир имкониятдир. Уни илгариги замонда бўлганидек, дотация сифатида қабул қилмаслик лозим — муддати чегараланган бўлиб, атиги икки йил этиб белгиланган. Демак, хўжалик иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, ҳаммамиз орзу қилган тўкин ҳаётни таъминлаш қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш билан боғлиқ кўплаб муҳим омил ва имкониятларнинг ишга солинишини талаб этади. Бу эса раҳбарлар, мутахассислар, меҳнат аҳлининг ташаббускорлиги, фидокорлиги, тадбиркорлиги, асосийси, сидқидил меҳнатига боғлиқ.**

**Бу масаланинг муҳимлигини ҳисобга олиб, биз санация қилинган корхоналардаги ўзгаришлар, тўпланган тажрибалар, вужудга келган муаммолар ҳақида мунтазам равишда мақолалар эълон қилиб борамиз.**

Муаммо

# ВОКЗАЛМИ ЁХУД ҚАТОРСАРОЙМИ?

## Памилдорими ёки патинжонми?

**Бу сарлавҳани ўқиган газетхон: «Ие, «қаторсарой» нима дегани? Патинжон-чи?. Қаторсаройнинг «вокзал» сўзига нима алоқаси бор?» — деб таажжубланиши мумкин. Аслида, ажабланадиган жойи йўқ. «Қаторсарой» сўзини бундан 4-5 йил муқаддам, тилимизда рус ва байналмилал атамалари бўлиши керакми-йўқми, деган мавзуда қизғин мунозаралар кетаётган бир вазиятда туппа-тузук бир олимимиз «вокзал» ўрнига киритишни таклиф қилганлар. Одамлар муҳтарам олимимизга «Сабаб, вокзални нега «қаторсарой» дейишимиз керак?» деб савол беришганда билимдон алломамиз: «Чунки вокзалда... вагонлар қатор туради» деб жавоб берганлар. Ўша пайтларда бу таклиф одамларда кулги уйғотган, ҳатто латифага айланган. Шу боисдан бўлса керак, кейинроқ катта илмий анжумандан бирида одамлар ундан: «Сиз вокзални қаторсарой деб аташ керак, деган таклиф киритгандингиз? Бунинг мағзини чақиб берсангиз», — деб сўрашганларида, билимдон алломамиз икки қўлини баробар силкитиб: «Ўламан саттор, мен бу гапни айтмаганман», деб туриб олганлар.**

Хўш, нега мен 4-5 йил муқаддам бўлиб ўтган бу латифанамо гапларни қўзғаяпман? Бунинг сабаби шундаки, тилимизга давлат тили мақоми берилиши тўғрисида қонун қабул қилинганидан кейин бунақа «доно» таклифлар газета ва журналлар саҳифаларини тўлдириб юборганди. Оқибатда аэропорт ўрнига тайёрагоҳ, «институт» атамаси ўрнига «олийгоҳ», «таълимгоҳ», «билимгоҳ», ҳатто «олий педагогик таълимгоҳ» деган атамалар, «журнал» сўзи ўрнига «ойнома», «ойбитик», ҳатто «мажалла», факультет ўрнига «куллиёт» (аслида «куллиёт» сўзи «мажмуа» маъносини билдиради. Масалан, Навоий асарлари куллиёти) каби атамалар матбуот саҳифаларини тўлдириб юборди.

Кейинчалик бу нуқсонлардан қутилиш, тилимизни бундай ясама ва сунъий-атамалардан тозалаш учун қанча саъйи-ҳаракатлар қилинди... Бу масалага бағишланган қанчадан-қанча илмий конференциялар ўтказишга тўғри келди. Юз берган чалкашликларга барҳам бериш мақсадида бир сафар ҳатто Фанлар академиясида катта йиғин бўлди. Атоқли академикларимиз қимматли вақтларини аямай, бу масалани батафсил кўриб чиқдилар. Эркин фикр алмашувдан кейин анжуман иштирокчилари: «Дастлабки пайтларда йўл қўйилган бу хатоларга барҳам бериш лозим» деган қарор қабул қилди. Шунга қарамасдан, ўша маҳалда мавжуд бўлган ҳукумат тил комиссияси (ҳозир терминларни тасдиқлаш масаласи Олий Мажлиснинг Фан ва маданият қўмитасига юклатилган) Атамашунослик қўмитасига бу масалалар бўйича халқнинг фикрини билиш вазифасини топширди. Атамақўм бу вазифани бажариш учун «Ўзбекистон овози» газетаси орқали «Қайси бири маъқул?» деган рукн остида қатор атамаларни эълон қилди. Яъни, саҳифанинг бир томонига «аэропорт», иккинчи томонига «тайёрагоҳ», бир томонига «журнал», иккинчи томонига «ойбитик», «ойнома», «мажалла» атамаларининг рўйхатини бериб, газетхонлардан буларнинг қайси бири мақбул эканини сўради. Натижа биз кутгандан ҳам ошиб тушди. Хатлар ёмғирдек ёғилди. Маълум бўлдики, «тайёрагоҳ», «мажалла», «ойбитик», «олийгоҳ» каби сунъий ясалган муқобиллар кўпчиликнинг ғашини келтириб, энсасини қотираётган экан. Бошқача айтганда, илмий жамоатчилик билан омманинг фикри бир жойдан чиқди. Атоқли тилшунос олимлар, файласуфлар, ёзувчи ва шоирлардан иборат собиқ тил комиссияси шундан кейингина тилимизга аллақачон сингиб кетган байналмилал атамаларни қолдириш, янги муқобилларнинг эса фақат табиий, халққа сингадиган қисминигина жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Хуллас, бир неча йил давом этган эркин мунозаралар ва илмий жамоатчиликнинг саъйи-ҳаракатлари билан тилимизга ёт бўлган ёки араб ва форс тилларидан олинаётган сунъий атамаларга чек қўйилган ва матбуот, радио, телевидениемиз ёрдамида тилимиз табиий ривожланиш йўлига туша бошлаган эди. Лекин надоматлар бўлсинким, сўнгги пайтларда баъзи «қаторсаройчи» ва «тайёрагоҳчи»лар эски тўн, эски белбоғ дегандек, аста-секин яна эски сурнайларини чала бошладилар.

Таниқли бир арабшунос олимимиз бир илмий анжуманда сўзга чиқиб, тағин ўша гапларни қўзғади, муҳтарам олимимиз дарғазаб бўлиб: «Нега «патинжон» деган сўзимиз турганда памилдори деймиз? Памилдори эмас, Патинжон дейиш керак. «Кавказ» деган сўзимиз турганда нега олимларимиз «осмон ёритқичлари» иборасини ишлатадилар?» деб хитоб қилдилар (Бу олимни ҳурмат қилганим учун у кишининг исм-шарифларини айтишни лозим кўрмайман). Ўрни келганда шуни ҳам эслатиб ўтай: ҳурматли олимимиз ҳатто «бозорларга нега қарамаймиз, бозорларда памилдори сотаётган ҳар бир деҳқоннинг пештахтасига «Патинжон» деб ёзиб қўйиш керак» деган таклифни ҳам илгари сурган эдилар. Шу боисдан ҳам азиз дўстимга айтмоқчиман: «Йўқ, биродар, бу таклифингизни бозор пештахталари уёқда турсин, деҳқонларнинг пешонасига ёзиб қўйсангиз ҳам ўтмайди. Чунки гарчи бу неъматни сиз ҳақли равишда хушламайдиган оқ пошшо «солдат»лари ўз халталарида олиб келган бўлса ҳам, бу емишнинг таъмини тотиб кўрган деҳқонларимиз уни ўзларича қизил рангли дори, яъни памилдори, деб аташган. Бу ном аллақачон тилимизга, турмушу тирикчилигимизга сингиб кетган, уни сизу биз уёқда турсин, Давлат тил комиссияси ҳам ўзгартира олмайди.

Бу олимимиз яқинда яна телевидение орқали «Бизнинг ўзбекона сўзларимиз турганда нега ҳадеб рус сўзларини ишлатадиган бўп қолдик? Нега «сармоя» сўзи туриб, «капитал» атамаси ишлатиляпти, нега «менежер», «маркетинг», «банкрот» ва ҳоказо сўзлар олиняпти?» — дея қаҳрланиб гапирдилар. Майли, гап қаҳрда эмас. Олимимиз қаҳрлансалар ҳам биз ўзимизни босиб, бу фикрни бир таҳлил қилиб кўрайлик.

Таҳлилни «капитал» ва «сармоя» сўзларидан бошлайлик. Авваламбор, сармоя ўзбекча эмас. У бизга форс тилидан кирган. Лекин «сармоя» сўзи аллақачон ўз сўзимизга айланиб кетгани учун Олий Мажлис комиссиясига «капитал» атамаси ўрнига «сармоя» сўзини киритиш ҳақида таклиф берган Атамақўм бўлади. Комиссия таклифимизни тасдиқлади. Комиссиянинг қарори матбуотда эълон қилинди ва эндиликда ҳамма жойда, ҳамма мақолаларда иқтисодиётга оид ўринларда «капитал» ўрнига «сармоя» атамаси ишлатиляпти. Лекин муҳтарам олимимиз шуни ҳам билиб қўйсинларки, у киши хоҳлайдиларми, йўқми, «капитал» сўзини тилимиздан барибир ситиб чиқаролмаймиз. Масалан, айтайлик, «капитал қурилиш» иборасини олайлик. Қани, олимимиз ёки бирорта газетхон «капитал»нинг ўрнига мақбул муқобил топиб берсин-чи? Биз жон-жон деб уни қабул қилайлик. Қани, бир ўйлаб кўрайлик-чи, «капитал қурилиш»ни нима деймиз? «Сармоя қурилиш» деймизми ёки мустаҳкам қурилиш деймизми, ёхуд фундаментал қурилиш деймизми? Нима деймиз? Деёлмаймиз.

Энди «менежер», «маркетинг», «банкрот» каби, олимимизнинг ибораси билан айтганда, тилимизга «бостириб» келаётган рус сўзларига ўтайлик.

Биринчидан, бу сўзлар рус сўзлари эмас, балки эндиликда бутун жаҳон тилларида истеъмол қилинаётган байналмилал сўзлардир.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов бултур май ойида ўтказилган бир учрашувида: «Биз «объект», «субъект», «мониторинг» қаби сўзларни ишлатяпмиз, бунинг зарари йўқ, лекин бу сўзларни ишлатганда уларнинг ўзбекча маъноси ҳам бериб борилса, яхши бўларди», деган эдилар. Яна бир нутқида «банкрот» сўзининг ўрнига «синди» сўзи қўлланяпти, лекин «синди» сўзи «банкрот» терминининг маъносини тўлалигича ифода этолмайди-ку?» деган эдилар. Шуларни ҳисобга олиб, Атамақўм юқоридаги каби байналмилал атамаларнинг асл маъносини аниқлаш устида иш олиб бормоқда. Иш жараёнида бу атамаларнинг макони ва «ота-боболари»ни, яъни илдиз-илдизларини қидиришга тўғри келди. Натижада шу нарса аниқландики, бу сўзларнинг рус тилига ҳеч қандай алоқаси йўқ экан. Уларнинг аксар қисми лотин, юнон тилларидан олинган бўлиб, маконлари қадимий Рим ва қадимий Юнонистон, «ота-боболари» ҳам ўша ерлардан экан. Қолганлари эса инглиз, француз, немис, испан, айримлари араб ва форс тилларига бориб тақалар экан. Биз ҳозир бу илмий ишлар асосида тузилган таклифларимизни Олий Мажлис комиссиясига ҳавола қилмоқдамиз.

Қисқаси, олимимизнинг қаҳрини келтирган бу атамалар нафақат Оврупо ва Америка, балки Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Япония, Хитой, ҳатто Араб мамлакатларида ҳам қўлланилмоқда. 1991 йил мен муқаддас маконларимиз Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварани зиёрат қилганимда у ердаги осмонўпар дўконларнинг пешонасига «Супер маркет» деб ёзиб қўйилганлигини ўз кўзим билан кўрдим. Демоқчиманки, бу «рус сўзларини» Атамақўм эмас (Атамақўмда бундай ҳуқуқ йўқ), ҳатто Олий Мажлис комиссияси ҳам эмас, балки ҳаётнинг ўзи олиб киряпти. Бугун мустақил мамлакатимиз бутун жаҳон билан иқтисодий, сиёсий ва дипломатик алоқалар ўрнаётган қутлуғ бир вазиятда жаҳон истеъмолига кирган бу атамаларга қарши қилич яланғочлаш ёки уларнинг муқобилларини «фақат ўз тилимиздан қидириш» яна машҳур «ўт омоч» (трактор), «оташ арава» ( паравоз), «шайтон арава» (велосипед) атамаларини киритишга уринган замонларга қайтиш бўлур эди. Муқобилларни фақат араб ва форс тилларидан қидириш эса «ноҳиячилик» ва «тайёрагоҳчилик»ка олиб борар эди. Бу менинг шахсий фикрим эмас, балки энг йирик олимларимизнинг даъватларига суяниб айтилган гапдир. Мен тушунаман, ҳозирча бу атамалар қулоғимизга ёқмайди, қандайдир ғалати эшитилади, ҳатто ғашимизни ҳам келтиради. Аммо авваламбор буни ҳаётнинг ўзи, қолаверса, тараққиёт қонунияти олдимизга қўяётган бўлса нима қилмоқ керак? Бу саволнинг бутун мураккаблигини ҳисобга олиб, Атамақум бултур Тошкент иқтисодиёт университети ва молия институти олимлари, шунингдек, бу муаммога ҳар он, ҳар кун тўқнашаётган банк хизматчилари ва бошқалар иштирокида илмий конференция ўтказди. Шунда энг атоқли иқтисодчи олимларимиз, фан докторлари, академиклар, амалиётчиларнинг деярли ҳаммаси байналмилал иқтисодий атамалар ўрнига муқобиллар қидириш ёки улар ўрнига араб ва форс сўзларини қўллашга қаттиқ эътироз билдирдилар. Назаримда, улар келтирган далиллар орасида биттаси, айниқса, ўринли ва илмий асосланган. Олимларимиз «Бугун, мамлакатимиз истиқлолга эришиб жаҳон бозорига чиққанда ва энг илғор мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатаётган бир пайтда, жаҳон халқлари истеъмолидаги атамаларни рад этиб, улар ўрнига чуқур ўйланмаган, ноилмий сўзларни киритиш — иқтисодий алоқаларимизга панд беради», дейишди. Бу нарса тузилаётган турли хилдаги иқтисодий, сиёсий, дипломатик шартномаларга катта чалкашликлар киритади ва охир-оқибатда олиб бораётган ишларимизга путур етказади, деган фикрни илгари суришди. Бу ҳақда илмий конференция махсус қарор қабул қилди, жорий этилиши даркор бўлган терминлар рўйхатини тузди. Ана шундан кейингина Атамақўм конференция қарорлари ва унинг иштирокчилари қабул қилган атамалар рўйхатини Олий Мажлис комиссиясига киритишни лозим топди.

Комиссия ҳам шундан кейингина бу атамаларни тасдиқлади. Олимимиз айтган «сармоя» сўзи ҳам ўшанда тасдиқланди. Шу ўринда газетхонларимиз «Хўп, юқорида келтирилган байналмилал сўзларнинг муқобиллари ўз тилимиздан топилмаган ҳолларда, уларни араб ва форс тилларидан олиш гуноҳми? » деб сўрашлари мумкин. Йўқ, гуноҳ эмас. Асло. Фақат бу сўзлар зўрма-зўраки киритилмаслиги, сунъий бўлмаслиги лозим. Гап фақат шу ҳақда кетяпти. Буюк боболаримиз Алишер Навоий, Саккокий, Лутфийлар бу ишда шундай маҳорат кўрсатганларки, улар араб ва форс тилларидан олган сўзлар аллақачон ўз сўзларимизга, ўз мулкимизга айланиб кетган, тилимизга ўзгача жозиба, нафосат ва латофат бахш этган. Мана, қаранг: тилимиздаги «адаб», «адабиёт», «адолат», «одат», «ваҳима», «виждон», «даъво», «мактаб», «қалам», «ният», «хат», «хатар» сўзларини олайлик. Қани, газетхонлар ўзлари айтақолсин: бу сўзлар бизга араб тилидан кирганини ҳозир ким билади? Буни фақат мутахассислар билишади, холос. Ёки «ниҳол», «ночор», «обод», «овоз», «ойна», «олов», «офтоб», «хона», «хирмон» каби кўплаб сўзларга эътибор беринг. Бу сўзлар форс тилидан олинганини ҳаммамиз биламизми? Йўқ, буни ҳам фақат тилшунос олимлар билишади, такрор айтаманки, бу сўзлар аллақачон ўз меросимиз, ўз мулкимизга айланиб, қон-қонимизга сингиб кетган. Мен ўзим ҳам бундан чорак аср муқаддам буюк боболаримиз Улуғбек, Ибн Сино ва Беруний ҳазратларига бағишланган тарихий романларимда: «Диёнат, ҳидоят, иноят, илми нужум, мунажжим, мусоҳаба, мубоҳаса, шаккоклик, мосуво» каби пешоналарига «эс» (эскирган), «д» (диний) деган тамғалар босилган, яъни ишлатиш мумкин эмас, деган юздан ортиқ сўзларни ишлатганман. Лекин... юқорида зикр этилган арабшунос олимимиз даъват этганларидек: тилимизда «қалам» сўзи турганда «ручка» сўзи нима қилиб ивирсиб юрибди, деган фикрига қўшилолмайман. Рост, Навоий ҳазратлари даврида «қалам» ҳам қалам, қамишдан ясалиб, сиёҳдондан (довотдан) сиёҳ олиб ёзадиган... ручка десам олимимиздан балога қолсам, сиёҳ билан ёзадиган қалам десам — газетхонлар: «Сиз қайси қаламни айтаяпсиз? Сиз айтаётган нарса қалам эмас, ручка-ку?» деб кулишса.

Ниҳоят, охирги гап.

Эҳтимол, бу мақолани ўқиган айрим газетхонлар: «Бир олимимиз «қаторсарой» сўзи турганда нега вокзал деймиз, деса депти-да, яна бир алломамиз, памилдорини йиғиштириб, патинжон дейлик деса дегандир-да, шунга ҳам ота гўри қозихонами?» — дейишлари мумкин. Кошкийди шундай бўлса, сўнгги пайтларда: яъни илмий жамоатчиликнинг катта саъй-ҳаракатлари, давлат тил комиссияси ва Олий Мажлис қўмитасининг яқиндан бераётган ёрдамлари билан тилимиз «ноҳия» ва «гоҳгоҳ»лар (манзилгоҳ, олийгоҳ, таълимгоҳ, тайёрагоҳ)дан аранг соқит бўлиб, энди тўғри йўлга тушаётганимизда эски йўлга қайтишни даъват этувчилар сони яна кўпая бошлади. Улардан баъзиларининг даъвоси олимимизнинг даъвосидан хам ошиб тушади. Биттагина мисол: ўтган йилнинг ноябрь ойида «Адабиёт» газетасида яна бир туппа-тузук олимимиз (келинг, у кишининг ҳам номларини тилга олмай қўяқолайлик): «Тилимизда «тузук» сўзимиз ва «муддаи умуми» деган иборамиз бор, шундай сўзларимиз турганда «кодекс» ва «прокурор» деган сўзларни ишлатиб ўтиришимиз тўғрими», деган фикрларни илгари сурганлар. Қани, бу таклифни ҳам бир мулоҳаза қилиб кўрайлик-чи? Тўғри, қадим замонларда «тузук» сўзи бўлган (Темур тузуклари), лекин ҳозир... ҳозир биз «жиноят» кодекси, солиқ кодекси деймиз. Бу атама Конституциямизга ҳам кирган. Энг қийини, «тузук» атамаси «кодекс» сўзининг маъносини тўлалигича ифода этолмайди. Лекин ожиз банда, мен бу муаммони ечолмайман. Яхшиси, бу гапга ҳуқуқшунос олимларимиз жавоб берақолсин. Иккинчи таклиф, яъни «прокурор» сўзига келсак. Илгари биз прокурорга мурожаат қиладиган бўлсак, «ўртоқ прокурор» дер эдик, энди нима деймиз: «Ҳой, ўртоқ муддаи умуми! Дардимни эшитинг» деб илтижо қиламизми? Яна билмадим, йўқ, шахсан мен бу саволга жавоб беролмайман. Яхшиси, бу саволга энг катта муддаи умумимиз, э, кечирасизлар, бош прокуроримиз Бўритош ака Мустафоев жавоб берақолсинлар.

Тилимизда ҳар хил чалкашликлар ва ҳар хилликлар авж олиб кетганида мен Давлат тил комиссиясининг топшириғи билан «Тил — дарёдир, дарёмизни асрайлик» деган мақола ёзгандим. Унда камина тил — бу ичадиган сувимиз, уни мусаффо сақлайлик, асло лойқалантира кўрмайлик, у ҳамиша тиниқ бўлғай, деган тилак билдиргандим. Халқимизда «етти ўлчаб бир кес» деган яхши нақл бор. Агар биз тилимизни, яъни ичадиган сувимизни тиниқ ва мусаффо бўлсин, десак, матбуот ва телевидение берган минбарлардан фойдаланиб, хаёлимизга нима келса шуни доно фикр сифатида оғзимизни тўлдириб гапиравермайлик.

Ахир, Атамақўм ўз ишларида атама танлаш принциплари ва мезонларига суянади. Тилшунослик институти олимлари томонидан ишлаб чиқилган бу принциплар ва мезонлар Атамақўмнинг умумий мажлисида қабул қилинган, матбуотда эълон этилган. Мунозарага киришишдан аввал бу илмий мезонларни билишлари керакку!

Жилла қурса, давлатимиз ва Олий Мажлисимиз комиссиялари ҳурмати, айтадиган гапимизни илмга суяниб, етти ўйлаб бир гапирайлик. Тил — бу умумхалқ мулки, бунга биз, хоҳ улуғ олим бўлайлик, хоҳ буюк ёзувчи — ҳакамлик қилишга ҳаққимиз йўқ. Шу маънода, мен газетхонларимизнинг ушбу мақолада айтилган гапларга фикр билдиришларини жуда-жуда истардим.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, И. Муминов кўчаси, 9-уй.

**Одил ЁҚУБОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси раиси, академик.**

---

# ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

### БОШСИЗ ҚОЛГАН «СУВ ПАРИСИ»

Бундан бир неча кун аввал номаълум шахслар Дания халқининг миллий фахри - бронзадан ясалган машҳур "Сув париси" ҳайкалининг бошини ўғирлаб кетган эди. Айни пайтда мамлакат аҳолиси бу кўнгилсиз воқеа ривожини юрак ҳовучлаб кузатмоқда. Куни-кеча номаълум шахслар Дания телекомпаниясига қўнғироқ қилиб, "Сув париси"нинг бошини мукофот эвазига қайтариб беришини айтган. Бироқ улар ўзларини таништирмаган.

### ЭСКИСИНИНГ ЎРНИНИ БОСАДИ

АҚШ ва Австрия адлия вазирлари жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш юзасидан янги битимни имзоладилар. Бу ҳужжат 1930 йилда имзоланган ва ҳозирга қадар амал қилиб келаётган битимнинг ўрнини босади. Мазкур янги битимда жиноятчиликнинг замонавий кўринишлари, хусусан, наркотик моддалар билан савдо қилиш ҳамда ноқонуний йўл билан топилган пулни айлантириш каби жиноий ҳолатлар ҳам ўз аксини топган.

### ҲАРБИЙЛАР ҲАМОН КЎРФАЗДА

АҚШ Форс кўрфази ҳудудида 30 минг нафар ҳарбий хизматчиси ҳамда иккита авиабардорини сақлаб турибди. Чунки Ироқ ҳамон БМТ билан тўла ҳамкорлик қилиш истагини намоён қилмаяпти, деб баёнот берди Пентагон вакили Кеннет Бейкон.

К.Бейконнинг айтишича, Форс кўрфазида турган "Нимиц" авиабардори март ойининг бошларида АҚШга қайтади. Бироқ "Нимиц" кетганидан кейин унинг ўрнига қайси авиабардор келиши номаълум. Шунингдек, айни пайтда мазкур ҳудудда АҚШнинг 356 та ҳарбий самолёти ҳам сақланмоқда.

### ҚОР КЕЛТИРГАН... ТАШВИШ

Япония пойтахти ҳамда унга туташ шаҳарларда юз берган қор бўрони 300 га яқин кишининг жароҳатланишига сабаб бўлди. Токиода қорнинг қалинлиги 15 сантиметрга етди. Ҳукумат шаҳар магистралларидаги транспорт қатновини тўхтатиб қўйишга ҳамда электр поездлари ҳаракатини камайтиришга мажбур бўлмоқда.

Токио полициясининг маълум қилишича, ўтган бир куннинг ўзида 230 та автомашина ҳалокатга учраб, 18О нафар киши жароҳатланган. Ўтган тунда эса Нарита халқаро аэропортида фаолият тўхтади. Натижада минглаб йўловчи манзилларига етиб бора олмай, аэропортда тунаб қолишларига тўғри келди.

### МУВАФФАҚИЯТЛАР САБАБИ...

Ўтган йили Хитой тарихида илк бор энг кўп, яъни 166,3 тонна олтин қазиб олинди. Бу 1996 йилдагига қараганда 37 фоиз кўпдир. Бу муваффақият мазкур соҳада бозор тизимини жорий қилиш ҳамда бошқарувни мустаҳкамлаш туфайли қўлга киритилди, дейди мамлакат металлургия саноатининг олтин қазиб олиш бошқармаси бошлиғи Ван Дэсюе.

Бироқ ташқи ва ички бозорда қимматбаҳо металлар нархининг пасайиб кетиши ҳамда янги конлар топилмаётгани соҳага ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Шу сабабли тармоқдан олинган умумий фойда бор-йўғи 50 миллион юан (6,1 миллион АҚШ доллари) ни ташкил этади. 1200 та олтин қазиб олиш корхонаси 1997 йилни зарар билан якунлаган.

**(ЎзА)**

---

● ЭРТАМИЗ ЭЛЧИЛАРИ

# КЕЛАЖАК ИМТИҲОНЛАРИ

**Шу заминда ҳаёт бор экан, одамзод бор экан, бу имтиҳонлар бир умр давом этаверади. Унинг синовлари оғир ва масъулиятли. Қолаверса, шарафли ҳам.**

**Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасида иқтидорли ёшлар ўртасида яна навбатдаги имтиҳонлар бошланди. Шу муносабат билан мазкур жамғарма директори Маннон РАҲИМОВга бир неча саволлар билан мурожаат этдик.**

**— Маннон ака, табриклаймиз, «Умид»да яна имтиҳонлар бошланибди. Хўш, эндиги режалар қандай?**

— Биласиз, «Умид» жамғармаси 1997 йил 7 январь куни шахсан Президентимизнинг ташаббуслари билан ташкил этилган эди.

Бу йил Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан ўқишга жўнатиладиган ёшлар сонини 500 нафарга етказишни мўлжаллаяпмиз. Ўтган йили дунёнинг 5 та давлатига юртдошларимизни жўнатган бўлсак, бу йил шу давлатлар сафига Италия ҳам қўшилди.

**— Имтиҳонларга истаган одам қатнаша оладими?**

— Албатта, ҳар бир иқтидорли йигит-қиз қаерда яшаши ва миллатидан қатъи назар, қатнаша олади. Дастлабки танловлар вилоятларда, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилди, уларнинг ғолиблари эса асосий танловга жўнатилди. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, жойларда чет тилларни ўргатиш курслари ташкил этилди. Бу курсларга қатнашган йигит-қизлар инглиз, немис, француз, япон тилларини мукаммал ўрганиб,кейин танловга қатнашиш ҳуқуқини оладилар.

Имтиҳонлар тўрт босқичда ўтказиляпти. Биринчи босқичда ёшлар жўнатилаётган давлатнинг тилшунослари томонидан имтиҳон қилинди, ўша мамлакатнинг давлат тили ва танланган соҳа бўйича билимлари синаб кўрилди. Кейинги босқичларда эса мутахассислик, маънавий-ижтимоий дунёқарашлар ҳақида маълумот олинади.

Бакалавр унвонини олиш учун олий ўқув юртларининг 2-3-курсларида ўқиётган иқтидорли ёшлар, магистрликка эса ўқишни битириб, соҳаси бўйича ишлаётган ёш мутахассислар олинади.

**— Шундай катта миқёсдаги танловларни, имтиҳонларни ўтказиш анчагина қийин бўлса керак?**

—Албатта. Бу ишда бизга Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқалар холис ёрдам беришди.

...Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида чет элда ўқишни истаган иқтидорли йигит-қизлар учун синовлар давом этяпти. Имтиҳонларда улар ўқийдиган давлат расмий вакиллари ва тилшунослар иштирок этадилар. Мен Америка Қўшма Штатларида ўқиш истагида бўлган ёшлардан имтиҳон олаётган АКСЭЛС, яъни таълим ва тил ўрганиш бўйича Америка ҳамкорлик ташкилотининг вакиласи бўлмиш Раънохон Алиакбарова билан ҳам суҳбатлашдим. Раънохон мазкур ташкилотнинг Ўзбекистон ваколатхонасида ижрочи директор бўлиб ишлар экан.

**— Раънохон, бу ташкилот ҳақида гапириб берсангиз.**

— Бу ташкилот 1992 йилдан бери дунёнинг кўп мамлакатлари билан ўзаро иш олиб боради. Унинг вазифаси иқтидорли йигит-қизларни Американинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олишларини таъминлаш, уларнинг билим олиш вақтларини режалаштириш ва тартибга солиш, зарур бўлиб қолган тақдирда маънавий ва моддий ёрдам беришдан иборат.

**— Ўтган йилги танлов натижалари қандай бўлди?**

— Америкада таҳсил олиш учун 99 нафар иқтидорли йигит-қиз танлаб олинганди. Таҳсил олиш мобайнида улар академик раҳбарлар назорати остида бўладилар. Ўтган йили Ел дорилфунунига қабул қилинган Муталова Шаҳноза исмли қиз ниҳоятда аъло ўқиб, тиришқоқлиги билан устозларнинг назарига тушди. Дюкейн дорилфунунига қабул қилинган Бунёд Жумабоев эса ўзининг чуқур билими билан ўқитувчи-олимлар гуруҳини шунчалар ҳайратга солдики, бор-йўғи бир семестр ўқиганидан сўнг уни соҳани янада мукаммалроқ ўрганиши учун бошқа дорилфунунга ўтказишга тўғри келди.

**— Бу йилги имтиҳонлардан таассуротингиз қандай?**

— Жудаям яхши. Айтмоқчи, бизнинг ташкилотимиз Россиядаги «Ельцин» ва Қозоғистондаги «Бўлашоқ»жамғармалари билан ҳам ҳамкорлик қилади. Лекин бошқаларга солиштирганда, ўзбекистонлик йигит-қизларнинг билим даражаси ва тил билиши мукаммалроқ. Шу сабабли ҳам бу йил Америкада таҳсил олиш учун 160 нафар иқтидорли ёшларни танлаш ниятидамиз. Бу йил 1000 дан ортиқ иқтидорли йигит-қизлар имтиҳон топширишяпти. Лекин уларнинг барчаси шунчалар яхши тайёргарликка эгаки, биз улар орасидан энг сараларини танлаб олаяпмиз.

Мен Раънохонга ўзбек ёшлари ҳақидаги яхши фикрлари учун миннатдорчилик билдириб, хонадан чиққанимда, йўлаклар имтиҳон топшириш учун мамлакатимизнинг турли туманларидан йиғилган йигит-қизларга тўлиб кетганди. Уларнинг юзларида ҳаяжон, кўзларида эса умид акс этарди. Мен уларнинг барига зафарлар тиладим, токи ўз халқи учун, Ватани учун сидқидилдан хизмат қилиш ниятида куйиб-ёниб изланаётган, ҳаракат қилаётган иқтидорли йигит-қизлар кўпаяверсин, ёруғ келажакка бўлган умид уларнинг барига омадлар олиб келсин!

**Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА.**



*Машҳур ҳофизимиз айтганидек, «баъзан чўпонларнинг меҳнати қолиб, барра кабоб ҳамда қаймоқ эсланадиган» даврлар ўтиб кетди. Бугун чўпон ташвиш ва қувончларининг барчаси ўртада. Айниқса, Фориш тумани «Боғдон» наслчилик ширкатлар уюшмасида бу иш жуда яхши йўлга қўйилган. Уюшмадаги «Оқтом» ширкати жамоаси ҳам бу ҳамкорликни теран англаб етган. Хўжалик ва чўпонларнинг ҳамжиҳатликдаги ҳаракатлари туфайли катта муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Муроджон Эгамбердиев бошлиқ чўпонлар ўтган йили ҳар юз бош совлиқдан юзтадан қўзи олдилар.*

**СУРАТЛАРДА:** *бош чўпон М. Эгамбердиев; унинг отарида.*

**Р. СОДИҚЗОДА олган суратлар.**



Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони жамоаси масъул ходим Дўстмурод Айдарович Холиқуловга волидаи муҳтарамаси **Ўролхон ая ҲАМРОЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

